

Дуога шошилинг



07:40 / 05.04.2019 3827

مُتَعَمِّسٌ اذِئْوُ: لاق ملسو و هيلع ءللل صلبننلا ن ع، هنع ءللل يضره ريره بى ن ع
مُتَعَمِّسٌ اذِئْوُ! ان اطي ش تاراهن اناطي ش ل ن م ءللل اب او دوعت فري م حل قاهن
و ملسمو يراخبلل هجخأ «الكلم تاراهن اناطي ه ل ص ف ن م ءللل اول اسافه كى دلل احيص
يذمرتلل و دواد وبأ و دمأ

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар эшакларнинг ҳанграшини эшитсангиз, Аллоҳдан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўранг. Чунки у шайтонни кўрган бўлади. Агар хўрозларнинг қичқириғини эшитсангиз, Аллоҳдан Унинг фазлини сўранг. Чунки у фариштани кўрган бўлади.”, дедилар. (Бухорий, Муслим, Аҳмад, Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилишган)

Бу ҳадис солиҳлар келган жойга Аллоҳнинг раҳмати ёғилишига далолат қилади. Суфён ибн Уяйна: “Солиҳлар зикр қилинган жойга раҳмат

ёғилади”, деганлар. Солиҳлар зикр қилингани сабабли уларга ўхшашликка рағбат ортади, хайрли ишларга чорланади, яхши амаллар қилишга муҳаббат ҳосил бўлади. Шунинг учун бу жойларга Аллоҳнинг раҳмати ёғилиб туради. Раҳмат ёғилиб турган вақтда дуо қилиб олишлик мустаҳабдир.

Ҳадис маъсият қилувчилар келган жойга ғазаб ёғилиб туришига ҳам далолат қилади. Шунинг учун у пайтда паноҳ тилаб туриш мустаҳаб ҳисобланади.

إِذْ نَاكَم لَسُو هِي لَع لَل لَصَّي بِن لَلَّ نَأ هِنَع لَل لِي ضَر ي ع ر شَ أ ل ا س و م ي بَ ا ن ع د و ا د و بَ ا ه ا و ر . «مُورُورُشْ نَمَ كَبُ ذُوْعَ نَو ، مَورُورُحُنْ ي فَا كَلَّ عَجَّ نْ ا نْ ا مُ ه ل ل ا» : ل ا ق ، ا م و قَ فَا خ . ح ي ح ص د ا ن س ا ب .

Абу Мусо ал-ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор қавмдан хавфсирасалар: “Аллоҳумма иннаа нажъалука фий нуҳууриҳим, ва наъзузубика мин шурууриҳим”, дер эдилар. Абу Довуд саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: “Аллоҳим (бизни уларнинг ёмонлигидан асрашинг учун) уларнинг кўкраклари қаршисига Сени (қалқон қилиб) қўямиз ва Сендан уларнинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз”.

Бу ҳадисдаги “кўкракларининг қаршисига қўямиз” дейишдан мурод душманни даф қилишдир. Одатда инсон олд тараф билан келади. Уларни даф қилишда кўкрагидан итариб юбориш тез ва кучли даф қилиш ҳисобланади. Шунинг учун ушбу ибора ишлатилди.

Инсон ўзи хавфсираган кимсага ёки нарсаларга йўлиққан вақтда мазкур дуони ишониб, Аллоҳга илтижо қилиб, ихлос билан ўқиса, Аллоҳ таоло уни уларнинг ёмонлигидан асрайди.